Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 269 (4667).
26 НОЯБРЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА.
Газета 1956 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МХРнинг 57 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

В. И. Ленин билан Сухэ-Батор асос солган Совет — Монголия дўстлиги мустаҳкам ва бузилмасдир. Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 57 йиллиги шарафига 25 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш иштирокчилари шуни таъкидлаб ўтдилар. Йиғилишда шаҳар жамоатчилиги намояндалари билан бирга Ўзбекистон пойтахтида ўқиётган монгол студентлари ҳам қатнашдилар.

Йиғилиш иштирокчилари бунёдкорлик меҳнатида, социализм қурилишида қардош халққа янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилишда МХРнинг Тошкентдаги бош консули Пунцагийн Дэчин нутқ сўзлади.

Йиғилиш В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлиб ўтди. Бу ерда МХРнинг 57 йиллигига бағишланган виставка очилди.

(ЎзТАГ).

Тонгги газеталарда

● ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикасида бўлган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 25 ноябрь куни Москвага қайтиб келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга қайтиб келдилар.

Бугун тонгги газеталарда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасида бўлиши тўғрисида қўшма ахборот эълон қилинган.

● Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1981 йил январь-ноябрь ойлари планини муддатидан илгари, 25 ноябрда бажардилар.

● Сурхондарё область-ти қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили пахта тайёрлаш планини 24 ноябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 505 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин», шу жумладан 230 минг тоннага яқин энг қимматбаҳо ингичка толали нав пахта етказиб берилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми 1981 йил 25 ноябрда иш бошлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида ўртага қўйилган йўл-йўриқлардан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «1981—1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат беш йиллик плани ва 1982 йилги плани тўғрисида»ги, Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1980 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладларини тинглади.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, КПСС XXV съезди номидаги Бухоро тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси О. И. Черноволова, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, Тўрткўл район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Нурумбетов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, «Ташсельмаш» заводининг пайвандчиси М. Мўйдинов, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1981 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН ҲАМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПЛЕНУМДАГИ НУТҚИДА ЎРТАГА ҚЎЙИЛГАН ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг «1981 — 1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоида ва хулосалар тўла-тўкис маъқуллансин ҳамда даструламал деб қабул қилинсин. Бу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатлар шу йилги топшириқларни муваффақиятли тугаллаш, 1982 йил ҳамда бутун беш йиллик планларни тўла ва оширib бажариш учун кураша республика партия, совет, хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, коммунистлари, барча меҳнаткашлари амалий фаолиятининг жанговар программаси деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни қайд этадики, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг зўр сафарбар этувчилик ва ташкилотчилик иши КПСС XXVI съезди қарорларини, партиянинг халқ фаровонлигини янада ошириш, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш соҳасидаги иқтисодий стратегиясини амалда рўёбга чиқаришнинг ўзидир. Пленум партия XXVI съезди йўл-йўриқларига ва КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига асосланиб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юксак пировард натижаларига эришиш учун халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини интенсивлаш асосида унинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишни сабот ва изчиллик билан давом эттириш зарур деб ҳисоблайди. Республиканинг ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан имкони борича фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш, асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга эришиш учун халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини интенсивлаш асосида унинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишни сабот ва изчиллик билан давом эттириш зарур деб ҳисоблайди. Республиканинг ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан имкони борича фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш, асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Икки мусобақадош район коллективлари ўн ойлик планни муддатидан илгари уддаладилар. Маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича январь-октябрь ойлари учун белгиланган топшириқни икки район 2,6 процент ортиғи билан бажарди. Бу даврда Киров райони саноати планга қўшимча 3.724 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 4.760 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича топшириқ 3,4 ва 3 процентга ортиғи билан бажарилди.

Январь-октябрь ойларида ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати районларда 2,0 ва 9,9 процент юксалди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 103,9 ва 103,1 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 ва 9,7 процентга юксалди. Сўнгги йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Киров районида 2.812 минг сўмликка, Собир Раҳимов районида 16.702 минг сўмликка ўсди. Бунда Киров районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг ҳаммасига, Собир Раҳимов районида эса 78,8 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Бир қатор корхоналарда ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланяпти. Жумладан, «Узбекэнергоремонт» корхонаси, тўқимачилик-галантерея фабрикаси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг босмахонаси (Киров райони), «Миконд» заводи, «Геологоразведка», дурадгорлик буюмлари заводлари, «Тошкент» мебель бирлашмаси, кўн-галантерея буюмлари фабрикаси (Собир Раҳимов райони) сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажмининг 8—10 процент юксалишига эришди.

Мусобақадош районларда планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик социалистик мажбуриятларини бажарган корхоналар талайгина. Булар қаторида «Узбекгельмаш» заводи, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, тамаки фабрикаси, тўқимачилик-галантерея фабрикаси (Киров райони), «Компрессор» заводи, подшипник ремонти заводи, 10-авторемзавод, «Турист» ишлаб чиқариш комбинати, кенг истеъмол буюмлари фабрикаси, ипак-йигирув фабрикаси (Собир Раҳимов райони) каби корхоналар бор.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар буюртмалар бўйича белгиланган муддатда ва номенклатурада маҳсулот етказиб бериш топшириғининг бажарилишини таъминламадилар. Булар қаторида «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, 5-гишт заводлари бошқармаси, асбобсозлик заводи, тикувчилик бирлашмаси (Киров райони), металлни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси, ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кийимлар фабрикаси каби (Собир Раҳимов райони) корхоналар бор.

Собир Раҳимов районида фақат маҳсулот таннархининг қимматлашуви натижасида йўл қўйилган ортиқча ҳаражат 1,3 миллион сўмни ташкил этди.

Ўн ой мобайнида умумий маҳсулот ҳажмида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган буюмлар районларда қуйидагича процентни ташкил этди: 14,4 ва 27,2 процент.

Маданий-маиш ш и й буюмлар ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик планни Киров райони саноати юз процент, Собир Раҳимов райони саноати эса 104,8 процент бажардилар. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 ва 10,8 процент юксалди.

Мусобақадош районларда қолоқ корхоналар йўқ. Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ойлик ишлаб чиқариш программасини уддалашолмади. Жумладан, Киров районида 2 цех, 3 участка, 7 бригада, 103 ишчи, Собир Раҳимов районида 1 цех, 1 участка, 4 бригада, 22 ишчи қолоқлар сафида қолди.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молия манбалари — январь-сентябрь маълумотлари) Киров районида 73 процент, Собир Раҳимов районида эса 100 процент адо этилди. Собир Раҳимов районида турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича тўққиз ойлик план 100 процент, Киров районида 88 процент бажарилди.

Йилнинг ўн ойидаги социалистик мусобақа якунини Собир Раҳимов район саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири А. КАРИМОВ шарҳлайди:

— Киров ва Собир Раҳимов районларининг меҳнат коллективлари 1981 йилга қадам қўйиб, оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Бу мажбуриятларда йиллик ҳалқ хўжалик планини 25 декабргача адо этиш ва топшириққа қўшимча 6,5 миллион сўмлик ҳалқ хўжалиги буюмлари реализация қилиш белгиланган. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор ҳафта якунлари шундан далолат бераяптики, ишчилар ваъдага вафо қилишаяпти. Йилнинг фақат ўн ойи мобайнида икки район индустрияси меҳнаткашлари мамлакат халқ хўжалигига қўшимча қарийб 8,5 миллион сўмлик маҳсулот бердилар.

Собир Раҳимов райони корхоналари ва ташкилотларида барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йилликлар планини муддатидан илгари адо этиш учун кураш кучайди.

Шу кунларда Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли бадиий конструкторлик бюроси ва Ўзбекистон ССР кўрлар жамиятининг босмахонаси ишчилари 1982 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилишаяпти. Яқин кунларда кенг истеъмол буюмлари фабрикаси, кўн-галантерея буюмлари фабрикаси, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси коллективлари асосий буюмлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт беради-лар.

Ҳозирги пайтда районда 20 дан ортиқ цех, 70 участка, 140 бригада, 4,4 минг ишчи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик мажбуриятларини бажардилар. Мусобақанинг юзлаб пешқадамлари ўз иш жойларида меҳнатни намунали ташкил этишда, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишда барчага ибрат бўлишмоқда. Булар қаторида «Миконд» заводи приборсози Замира Галимова, экскаватор ремонти заводи слесари Владимир Кулагин, «Компрессор» заводи кесувчиси Нозим Искандаров ва бошқалар бор.

Бироқ КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, планни резервлардан фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш йўли билан бажариш, иложи борича хом-ашё сарфини камайтириш лозим. Бу кўрсаткичлар ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Жумладан, 4 йирик панелли уйсозлик заводида товар маҳсулот таннархи қарийб 1 миллион сўмга қимматлашиб кетди.

Фақат йилнинг уч квартали мобайнида районда 21 минг ишчи куни йўқолди. Бу йўқолган вақтларда қўшимча 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эди.

Чинни ва авторемонт заводлари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш топшириғини уддалашолмади. Мажбуриятларда эса аҳоли учун планга қўшимча каттагина миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари секретарларининг вазифаси меҳнат коллективларини ноябрь-декабрь ойлари учун белгиланган ҳалқ хўжалик планларини муваффақиятли адо этишга жалб этишдан, беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашдан иборат.




Сиз юқоридаги суратда кўриб турган Озода Усмонова бир неча йилдан бери шаҳримиздаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келади. У ҳамиша кунлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ўз ҳамкасбларига ибрат кўрсатмоқда.

* * *

Пастдаги суратда «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Владимир Фадеевни кўриб турибсиз. Бу ишчи кўтарма кранлар йиғиш бўйича корхонанинг илғор монтажчи слесарларидан бири саналади. У мунтазам равишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради.

Н. Шоннағомов ва М. Нуриддинов фотолари.



Республика бўйлаб

Пахтаобод районидаги шағал-саралаш заводи қурилиши ниҳоясига етди. Бу завод йиллиги 500 минг куб метр шағал ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу заводга яқин жойлашган темир-бетон буюмлар заводи ва республика сув хўжалиги министрлигининг қурилиш ташкилотлари янги корхона маҳсулотларини оладилар.

* * *

Камсув Янгиқўрғон районида ўнта артезиан қудуғини қазишни ниҳоясига етказган республика йилов-мелиорация қурилиш бирлашмасига қарашли Наманган механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи ўзининг социалистик мажбуриятидаги асосий бандни муддатидан илгари бажарди. Пландан ташқари деярли ярим миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Областнинг 13 та колхоз ва совхозида 100 километрдан ортиқ узунликда водопровод линияси ўтказилди, 73 та артезиан қудуғи қурилди. И. Абдуллаев, М. Тошхўжаев, В. Гомельчук, Х. Хўжабеков ва Ф. Бекмамбетовларнинг бригадалари 1982 йил ҳисобига ишлай бошладилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг «Ўзстройиндустрия» саноат бирлашмасига қарашли Қўйлиқдаги 2-темир-бетон буюмлари заводи ташкил топганидан буён ўтган чорак аср вақт мобайнида республиканинг энг муҳим улкан қурилишларини махсус йиғма темир-бетон конструкциялари билан таъминлаб келмоқда. Бекобод металлургия заводи, Чирчиқдаги капролактам ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухоро, Андижон ип-газлама комбинатлари каби ўнлаб энг муҳим саноат объектлари учун мураккаб тузилишдаги енгил темир-бетон конструкциялар и н и ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва корхона объектлари биттунча, уларни ана шундай зарур материаллар билан таъминлаш соҳасидаги ғоят масъулиятли ишлар заводнинг зафарли қадамлари ҳақида бой тасаввур беради.

Бугунги кунда Тошкент ҳуснига ҳуси қўшиб турган В. И. Ленин майдонидаги 20 қаватли маъмурий бино, республика Олий Совети Президиумининг биноси, Тошкент аэропорти яқинидаги улкан автомобиль кўприги, отчопар, республиканинг ўнлаб янги элеваторлари ҳам ана шу заводда тайёрланган махсус темир-бетон конструкциялари-дан тикланганлиги бежиз эмас.

1975 йилдан бошлаб эса Тошкентда метро қурилиши муносабати билан заводимиз цехларида метро станциялари ва ер ости йўллари учун ҳам конструкциялар ишлаб чиқаришга киришдик, —дейди завод директори Юрий Трофимович Савченко.

— Маълумки, ҳар бир янги корхона ёки иншоот фақат ўзигагина хос ва маълум даражада чекланган миқдорда конструкциялар тайёрлашни тақозо этади. Шунга асосан тайёр ишлаб турган завод цехларини янги тузилишдаги конструкциялар ишлаб чиқаришга мослаштириш, кейинчалик унинг ўрнига яна янги технологияни ўзлаштириш завод мутахассисларидан, кўп минг соҳли ишчилардан юксак ташкилотчилик, маҳорат ва фидойилик билан иш кўрсатишни тақозо этади. Заводда тайёрланган синчли конструкцияларнинг муҳим иншоотлар сифатида қомат кериб турганининг ўзиёқ бу ерда ана шундай ҳар ишга қодир, ўзларининг яратувчилик фаолиятини пухта ўзлаштирган ишчан коллектив шаклланганлигини, яққол ифодалаб турибди.

— Ҳозир заводимиз ҳар йили 12 миллион сўмликдан кўпроқ бинокорлик конструкциялари ишлаб чиқармоқда, — дейди Ю. Савченко. — Бу эса йилига 140 куб метр тайёр ҳолдаги мураккаб йиғма темир-бетон конструкциялари бўлиб, улар ўнлаб муҳим халқ хўжалик объектлари қурилиши учун ишлатилмоқда.

Тошкентда метро учун йиғма темир-бетон конструкциялари, туннеллар учун блоклар, кириш-чиқиш йўллари ва ер ости йўлиш йўлларининг тайёр конструкцияларини ишлаб чиқарувчи ягона завод ҳисобланган бу корхона фақат Тошкент метроси қурилишлари учун йилига 18—20 минг сўмлик маҳсулот реализация қилмоқда. Ўтган ўн ой мобайнида корхона коллективи Тошкент метроси иккинчи йўли қурилиши учун 13 минг куб метр йиғма темир-бетон конструкциялари тайёрлаб берди. Корхона коллективи ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошларида метро лойиҳаловчилари ҳамда метросоз қурувчилар билан ижодий ҳамкорликда ишлаб, яна бир катта ғалабани қўлга киритдилар. Бу метро станцияларини кенг ҳажмли, йирик конструкциялардан янги типда қуриш имконини берадиган синчли конструкциялар ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли ўзлаштирилганлигидир. Ҳозир қурилаётган метро трассасидаги «Ойбек» станцияси ана шундай янги типдаги конструкциялар д а н қад кўтармоқда. Бу янги усулга кўра бир нечта майда конструкциялар ўрнига бир йўла уларнинг кўпчилигини ўз ичига олувчи кенг ҳажмли конструкция қўлланилади. КПСС XXVI съезди қарорларида айтиб ўтилган кўрсатмаларга мувофиқ равишда ишлаб чиқарилаётган бу конструкциялар метро станциясини тезроқ тиклаш, вақт, ишчи кучидан ютиш имконини беряпти. Айни пайтда, уни ишлаб чиқаришда қурилиш материалларидан катта тежамкорликка эришилаяпти. Меҳнат сарфи икки баробар камаймоқда.

• Қурилишда юксак самарадорлик учун

Истиқболли конструкциялар

2-темир-бетон буюмлари заводида бўлганимизда ана шундай янги типдаги конструкциялар ишлаб чиқараётган Б. Плитницкий бошлиқ цех мутахассисларини қизғин иш устида учратдик. Н. Абдураҳимов, М. Валиев бошлиқ бригадаларнинг коллективлари самарали синчли конструкциялар ишлаб чиқаришни пухта ўзлаштириб олишган. М. Валиев бошлиқ бригаданинг В. Карташов, А. Богданова; Н. Ниценов бошлиқ арматура цехининг Ф. Галимов, И. Тугушев, А. Галимов, М.Валиев, Р. Ҳабибуллин сингари илғор ишчилари юксак сифатли синчли конструкциялар тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда. Бундай илғор мутахассис ва ишчиларнинг самарали меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Завод коллективи метро ва бошқа муҳим халқ хўжалик объектлари қурилишини юксак сифатли конструкциялар билан таъминланганлиги учун 1980 йилги Бутуниттифоқ кўрик-конкурси натижаларига кўра II даражали Диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Яқинда завод ишчиларига ана шу юксак мукофот топширилди.

Заводда фақат станциялар учунгина эмас, балки метронинг ер ости пиёдалар ўтиш йўллари учун ҳам кенг ҳажмли конструкциялар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Масалан, илгари метростанциялари яқинидаги, шунингдек шаҳар транспорт чорраҳаларидаги пиёдалар ўтиш йўллари бир нечта конструкциядан ташкил топган бўлса, энди улар икки ён девор ҳамда шифт ва остки қисмини бирлаштирган ягона конструкциялардан қурилмоқда. Бир нечта шундай конструкцияларни бир-бирига туташтириш тап-тайёр ер ости ўтиш йўлини ҳосил қилади. Эндиликда завод коллективи бундай меҳнат сарфини камайтирадиган конструкциял а р н и қўллаб миқдорда ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Айни пайтда республикамизнинг муҳим халқ хўжалик объектлари учун зарур қурилиш конструкциялари тайёрлаётган 2-темир-бетон буюмлари заводида ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга ҳалақит бераётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Бу таъминот масаласидир. Оҳангарон, Чимкент, Навоий цемент заводлари белгиланган миқдордаги қурилиш хом ашёсини графикдан анча кечиктириб юбормоқда. Челябинск ва Белорецкдаги таъминотчилар ҳам арматураларни вақтида етказиб бериш графикларини бузмоқда. Заводни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор муаммоларни ҳал этиш керак. Буининг учун республика қурилиш министрлиги эътиборни янада кучайтириши тақозо этилади. Бу муаммоларни ҳал этиш ўз ўрнида республикамиз қурилиш индустриясининг етакчи корхоналаридан ҳисобланган 2-темир-бетон буюмлари заводи ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш имконини беради.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲАМКОРЛИК МАКТАБИ

СОФИЯ. Левский шаҳри барпо этилгандан буён ўтган беш йил мобайнида қишлоқ хўжалик машина-механизмларига техника хизмати кўрсатишга кўмаклашувчи совет марказида болгар тракторчилари ва комбайнчилари, механиклари ва инженерларидан 15 мингдан кўп киши тайёргарликдан ўтди. «Тракторэкспорт» ташқи савдо бирлашмаси марказда доимий ишлайдиган мактаб ташкил қилди. Бу ерда болгар мутахассислари машиналарнинг тузилиши, уларга хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш ҳақида, шунингдек қишлоқ хўжалигини механизациялашни н г кўпгина бошқа масалалари юзасидан малакали маслаҳатлар оладилар.

Ленинград, Харьков, Волгоград, Челябинскдаги энг йирик совет тракторсозлик заводларининг намояндалари ҳам болгар ҳамкасбларга катта ёрдам бермоқдалар. Болгария далаларида энг янги модификациядаги совет тракторлари — «Белорусь», «Владимрец», «Кировец» тракторлари, «Нива» ва «Колос» комбайнлари синаб кўрилмоқда.

АЛОҚА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

УЛАН-БАТОР. Техника билан юксак даражада таъминланганлик ва меҳнатнинг яхши ташкил этилганлиги, катта иқтисодий самарадорлик икки қардош мамлакат ҳамкорлиги натижасида МХРда барпо этилган Монгол-Совет биргаликдаги корхоналарининг фаолиятига хос хусусиятдир. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай корхоналарни барпо этиш мамлакатни индустрлаштириш ишида муҳим қадамдир.

Биргаликдаги «Монголбанк», «Монголтранс», «Совмонголметалл» бирлашмалари, «Улан-Батор темир йўли» акционер жамияти ва бир қанча бошқа ташкилотлар республикада кўп йиллардан буён муваффақиятли ишлаб келмоқда. Булар экономиканинг янги тармоқларини ривожлантириш учун замин яратиб, Монголиянинг бутун халқ хўжалигини мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан кўмаклашди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

БУДАПЕШТ. «Акна—22» ва Маркушхедь шахталарининг коллективлари бир ярим миллион тоннадан кўпроқ кўмир қазиб чиқариб, шу йилнинг план топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Бу муваффақиятда жадал график асосида ишлаш ташаббускори бўлган комсомол-ёшлар бригадаларининг хизмати катта.

АФҒОНИСТОНГА БАҒИШЛАНАДИ

Фотосуратларда партиларда ўтиришган ишчи ва деҳқонлар тасвирланган. Улар қизғин меҳнат кунидан кейин хат-савод ўрганиш учун келишган, уларнинг ёнларида эса милтиқлар турибди. Ҳозирги, революцион Афғонистонда реал воқелик мана шундай. Меҳнат ва аксилинқилоблар а р г а қарши кураш, жудолик алами ва зафарлар қувончи бир-бири билан қўшилиб кетмоқда. Кунн-кеча Москвадаги дўстлик уйида очилган «Бугунги Афғонистон» фото-виставкаси ана шулар ҳақида ҳикоя қилади.

Суратларда бақувват, мардонавор кишилар назар ташлаб турганини кўрасиз. Уларнинг нигоҳларида Афғонистоннинг ҳозиргинг ўзидаёқ янги уй-жой кварталлари қурилишларда, саноат корхоналарининг улкан корпусларида намоён бўлаётган эртанги кунига комил ишонч барқ урмоқда. совет фото усталарининг асарлари СССР билан АДР халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисида, совет ва афғон жангчиларининг жанговар ҳамдўстлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Апрель революцияси амалга оширилганидан кейин, деди виставканинг очилиш маросимида сўзга чиқиб АДРнинг СССРдаги элчиси Х. Мангал, Америка империалистлари, пекинлик гегемончилар, региондаги реакция кучлари мамлакатдаги вазиятни ндан чиқаришга, халқ ҳокимиятини ағдариб ташлашга зўр бериб уринмоқдалар. Улар таъминлаётган босмачилар ҳеч қандай воситалардан тап тортмаяптилар, жабр-зулм, ўт қўйиш, одамларни ўлдириш уларнинг методлари бўлиб қолган. Экспозицияга қўйилган фото суратлар буни яна бир бор тасдиқлайди.

Лекин Афғонистон халқи революция ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолишга, ташқи ва ички контрреволюция кучларини бостиришга азму қарор бергандир.

Х. Мангал янги ҳаёт қурилишида Афғонистон халқига бераётган ҳар томонлама ёрдам ва мададлари учун Совет Иттифоқи коммунистик партиясига, совет давлатига, бутун совет халқига миннатдорчилик изҳор қилди.

«Оловли касб» усталари байрами

БЕРЛИН. Германия Демократик республикасининг металлурглари ўз профессионал байрамини социалистик мусобақада юксак ишлаб чиқариш натижалари билан кутиб олмоқдалар. «Оловли касб» усталари йил бошидан буён мамлакатга пландан ташқари қарийб уч кунлик иш унумдорлиги миқдорида маҳсулот бердилар. ГДР кончилик, металлургия ва калий саноати министри К. Зингхубер байрам муносабати билан Берлинда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда тармоқ ходимлари 130 минг кишилик отрядининг меҳнатини якунлади.

ГДР металлургия саноатида Социалистик Иқтисодий Интеграциянинг афзалликлари яққол намоён бўлмоқда. Мамлакат жанубидаги Риза шаҳридаги металлургия комбинатида чоксиз қувурлар ишлаб чиқарадиган янги завод ишга тушди. Заводни қуришда Совет Иттифоқи, Польша, Чехословакия мутахассислари қатнашдилар. СССР янги корхонага пўлатни узлуксиз қуядиган машина-ускуна, ЧССР эса марказий бошқариш пункти учун ускуналар етказиб берди.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҚОРАЛАНМОҚДА

БАЙРУТ. Исроил босқинчи маъмурлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Байт Суриф ва Бани Наим қишлоқларидаги фаластинлик деҳқонларга тегишли бўлган ерларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. ВАФА Фаластин информация агентлигининг хабар беришича, араблар яшаётган территориянинг 300 гектардан кўпроғи тортиб олинди. Бу территория Тель-Авивнинг ғарбий зонаси деб эълон қилинди. Қишлоқларнинг аҳолиси ерларнинг тортиб олинишига қарши норозилик билдириб, ўтириб олиб забастовка эълон қилдилар, мактабларда машғулотлар тўхтатилди.

Исроил маъмурлари Наблус районида ҳарбийлаштирилган икита янги манзилгоҳ ташкил этилажагини ҳам эълон қилдилар. Яна бир манзилгоҳни Ад-бири яқинида жойлашган Жебел қишлоғи деҳқонларидан тортиб олинган ерларда барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ғарбий соҳилдаги ва Газо секторидаги бир қанча араб ташкилотлари ва касаба союз бирлашмаларини и н г раҳбарлари Тель-Авивнинг босиб олинган территорияларидаги Фаластин аҳолисига қарши жиноятларини қораладилар. Улар тарқатган баёнотларда фаластинликларни н г ўз тақдирини ўзи белгилашдан ҳамда мустақил давлат барпо этишдан иборат қонуний ҳуқуқларининг амалга оширишини талаб қилдилар, ҳамда фаластинликларга «маъмурий жумҳурият режимини бериш лойиҳаларини ва уларга бадном «граждан маъмурияти»ни зўрлаб тиқиштиришни қатъиян рад этдилар.

Пекин Чили режими билан иноқлашиб бормоқда

ГАВАНА. Кубада чиқадиган ҳафталик «Боэмида» ҳафтаномаси Пекин гегемончилари билан Чилидаги Пиночет режими сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан яқинлашиб бораётганлигини таъкидлайди.

1973 йил сентябрь ойида қонли ҳарбий тўнтариш натижасида халқ бирлиги ҳукуматн ағдариб ташланган эди ва Чили Президенти Альенде ўлдирилган эди. Ўша пайтдан буён ўтган давр ичида, деб уқтириб ўтади журнал, Чили билан ХХР ўртасидаги савдо оборотн 8 баравардан энёд ортди. Пекин шу давр ичида Чили ҳарбий хунтасига 200 миллион долдардан ортиқ қарз берди. Бу маблағдан режимнинг репрессия аппаратини мустаҳкамлаш ва Хитой қурол-яроғларини сотиб олиш учун фойдаланилди. Ҳарбий миссиялар мунтазам равишда бир-бирларига юборибтуриш, шунингдек маҳфий сиёсий ва ҳарбий аҳборотни айирбошлаш, деб таъкидлайди «Боэмида» ҳафтаномаси, Пекин раҳбарлари билан Пиночет ўртасидаги «ишончли» муносабатларда алоҳида ўрин олади.

Пекин Лотин Америкасида ўзининг гегемончилик манфаатларини амалга оширишда Пиночет режимини ишончли иттифоқчи деб ҳисоблайди. Улар тутган йўлнинг бир хиллиги Африкадаги миллий озодлик ҳаракатларига қарши бирга-ликда амалга оширилаётган тадбирларда, Жанубий Африка республикаси ирқчиларини ва Анголага қарши агрессив ҳужумларни қўллаб-қувватлаш д а ҳам яққол намоён бўлмоқда, деб уқтириб ўтилади мақолада.

Камбағалларга янги уйлар

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтининг ғарбий чеккасида янги уй-жой массиви қурила бошланди. Лойиҳада 20 мингта квартира қуриш кўзда тутилган. Бу квартираларга Ҳиндистон жамиятининг иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ табақалари вакиллари кўчиб киradилар. Деҳли маъмурияти турар жой қурилиши кенг программасини амалга оширмоқда. Ўтган 1980—81 молия йилидагина шаҳарда 20 мингта янги квартира фойдаланишга топширилди. Буларнинг 70 процентн камбағалларнинг оиларига текинга ёки арзон нархда берилди.

Танғалар кўргазмаси

ПРАГА. Прага миллий музейида очилган кўргазмага 6 мингдан кўпроқ танга ва медаль қўйилган. Эрамизнинг иккинчи юз йиллигидан. Ҳозирги вақттача бўлган даврда зарб этилган танғалар бу ерда тўпланган.

Прага миллий музейи тўплаган ана шу буюмлар кўргазма учун асос бўлди. Юз йилдан буён ишлаб турган бу музейда қарийб бир миллион экспонат бор.

ЛАЗЕР УСТАНОВКА

БУДАПЕШТ. Мураккаб хирургия операцияларини ўтказиш учун мўлжалланган «минилазер» установкасининг дастлабки синовлари муваффақиятли ўтди. Янги аппаратни «Эдьешольт иззо» бирлашмаси ва физик тадқиқотлар институти яратди.

Ҳозирги вақтда республика клиникаларида лазер установкаларининг 20 та турли хиллари қўлланилмоқда.



Италияда қулларча меҳнат қилаётган болалар оз эмас. Расмий маълумотларга қараганда 15 ёшга етмаган ярим миллионга яқин болалар оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланмоқдалар, мактабга бориш имкониятидан маҳрум этилганлар. Ҳар йили 2 мингга яқин ёш болалар ишлаб чиқаришда майиб бўлмоқдалар ёки ҳалок бўлмоқдалар.

«Штерн» журналидан олинган бу суратда 12 ёшли Гульельмо Пеллегрья иш устида.

ГАСС фотохроникаси.

АДАБ—ФЕЪЛУ ТАБИАТ ОРОЙИШИ,
АДАБ—АҲВОЛУ ҲОЛАТ ОСОЙИШИ,
АДАБ —ҲУСНУ ЖАМОЛИНГ
ЖАМЪИДИР ҲАМ,
АДАБ— КУЛКАМ,
КАМОЛИНГ ЖАМЪИДИР ҲАМ.
Билолуддин ҲИЛОЛИЙ.

Одоб-ахлоқ ҳақида
оқшом суҳбатлари

№ 25

Оила ҳаврасида

Оила инсон ҳаётига тўкислик бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила, айниқса, социалистик жамиятдаги оила, энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ оиладир.

А. С. МАКАРЕНКО.

БОЛА ДИЛИНИНГ КАЛИТИ

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини катта орзу-умидлар билан бир парча этликдан парвариш қилиб, ардоқлаб, емай — едириб, кийгизмай — кийдириб, вояга етказади. Аммо натижа негадир ҳар хил бўлиб чиқади: биримизнинг боламиз ҳавас қилса арзигудек инсон бўлиб етишса, бошқамизники эса тош бағир, бетга чопар, ўзбошимча бўлиб қолади. Бири бизга қувончу-раҳматнома тақдим этса, бошқаси ғурбат келтиради.

Доно халқимизнинг «қуш уясида кўрганини қилади», деган нақлининг тагида жуда чуқур маъно бор. Биз ота-оналар қандай ибрат кўрсатсак, болаларимиз шунга қараб андоза оладилар. Шунинг учун ҳам биз болаларни тарбиялаш жараёнида ўзимизнинг гап-сўзимиз, муомаламиз, катта-кичикка қандай ҳурматда эканлигимиз, айниқса эрхотин ўзаро бир-биримизга бўлаётган муносабатимизга, оилада ҳурматимиз яхши ва мулойим эканлигига эътибор беришимиз лозим.

Дарҳақиқат, болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир қилмайди ва барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ.

Навқирон авлодни тарбиялаш кўп қирралы жараён ҳисобланади. «Тарбия, — деган эди М. И. Калинин, — кўзланган сифатларни шакллантириш мақсадида тарбияланувчи онгига муайян ва мунтазам тарзда таъсир кўрсатишдан иборат».

Ота-оналар ана шу мақсадга эришишлари учун муайян режалар тузишлари, болаларни тўғри тарбиялаш, уларда коммунистик ахлоққа мос келадиган дунёқараш ва фазилатларни шакллантириш учун зарур бўлган турли тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Маълумки, мамлакатимизда болаларни ўқитишга давлат чексиз ғамхўрлик кўрсатади, бу билан боғлиқ моддий ҳаражатлар ҳам давлат ҳисобидан сарфланади. Ота-оналар эса болаларни ўз вақтида мактабга юборишлари, уларнинг ўзлаштиришларини кузатиб боришлари, болаларни тарбиялашда мактабга ёрдам кўрсатишлари керак.

Ота-оналар, шунингдек вояга етмаган болаларни назорат қилиб туришлари зарур. Бундай назоратни амалга оширмаганлик учун тегишли жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Шуни айтиш ўринлики, аҳил, бамаъни оилалар қатори оиласини тиклай олмайдиган, болаларига етарли тарбия беришни ўзларининг бурчлари деб тушунмайдиган оилалар ҳам учраб туради. Жумладан, Тошкент шаҳар, Октябрь район Каттабоғ кўча, Яраш тупигидаги 5-уйда истиқомат қилувчи Маҳмудовлар оиласи ҳақидаги ачинарли воқеани айтсак бўлади. Шу йилнинг 26— 27 октябрь кунлари бизнинг Октябрь район юридик консультациясига кўзлари ёшга тўла, жуда қаттиқ ранжиган бир аёл кириб келди. У қонуний ёрдам беришимизни сўради. Бу аёл — 52 ёшли Ўлмасхон Маҳмудова эди. Ўлмасхон опа етти нафар фарзанди борлигини, улардан икки нафари қиз, беш нафари ўғил болалар эканлигини, ҳозирда эса, яъни олти ойдан бери эри — Аҳмад Маҳмудов уни уйдан ҳайдаб юборганини, ўзи эса квартираларда сарсон бўлиб юрганини айтди. Аҳмад Маҳмудов Тошкент темир йўли вокзалида ишчи бўлиб хизмат қилади. Бу одам доимий равишда уйда тўпалон қилади, ҳамма буюмларни қўлфлаб-беркитади, ҳатто озиқ-овқатларни ҳам ўлчаб беради. Ўлмасхон опа эри билан ҳеч муомаласи бирбирига тўғри келмаслигини, умуман турмушлари тикланишига ҳеч қандай ишонч йўқлиги, эндиликда ўз уйига кириб яшай олмаслигини айтди, кўз ёш қилди:

— Иккита куёвим, келиним олдида ким деган одам бўлдим?— деди Ўлмасхон. — Бунинг устига тўрт нафар ёш фарзандларим тақдирига ким қарайди, уларнинг аҳволи нима кечади?

Ўйлаб қоласан: Маҳмудовлар оиласи яшаётган маҳалла кишилари, айниқса маҳалла оқсоқоллари шу оиланинг ачинарли аҳволига нега бефарқ қарайдилар!? Ёшлари анчага бориб қолган бу кишиларнинг бошини ковуштириб қўйиш қийин бўлмаса керак?

Агар кимда-ким оила, бола-чақа олдидаги бурчини оқламаса, ёки унга хилоф иш тутса, одил совет қонуни олдида жавоб беришини унутмаслиги керак.

Маҳмудовлар оиласидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш керак. Маҳалла аҳли Аҳмад ака ва Ўлмасхон опанинг ҳар иккисига хатоларини тушунтириб, болаларини ўз бағриларига олишда кўмаклашадилар, деб умид қиламиз.

Ота-она тотув бўлмаса, оилада ҳеч кимга роҳат ҳам, фароғат ҳам йўқ. Айниқса, катталарнинг келишмовчилиги ёшларга, айниқса ёш болалар руҳига ёмон таъсир кўрсатади. Улар руҳий эзиладилар, маънавий жиҳатдан нотўғри йўлга кирадилар.

Одоб-ахлоқнинг энг бош йўли онладан бошланади. Шундай экан бола қалбига кичикликдан калит тошиш, унга яхши таълим-тарбия бериш, намуна кўрсатиш, ибрат бўлиш ота-оналарнинг бурчидир.

Бахт-саодатли замонда яшаётган эканмиз, бизнинг фарзандларимиз шу гулгун замонамизга етук кишилар бўлиб етишишсин.

М. ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар Октябрь район юридик консультациясини н и г адвокати.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг артисти, СССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР театр жамияти правлениесининг раиси, СССР Давлат мукофотларининг ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Сора ЭШОНТУРАЕВА жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?
2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?
3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.
4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?
5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?
6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?



1. Инсонийлик фазилатларини биртина оддий сўз билан ифодалаб бўлмайди. Одам аввало мард, оддий, камтар, адолатли, ҳалол,ҳақгўй, самимий, виждонли, комусли бўлиши керак. Бу фазилатларнинг муқаддимасида менинг фикримча она-Ватаннинг садоқатли содиқ фарзанди бўла олиш туради. Демоқчиманки, ҳар бир инсон ватанпарвар бўлиши ҳам шарт, ҳам фарз. Улуғ рус танқидчиси В. Белинскийдан чиройли бир гап ёдимга келиб қолди. «Ким бўлишдан қатъий назар, унинг ватанпарварлиги сўзи билан эмас, иши билан исбот қилинади». Шу фикрга асосланадиган бўлсак, санъатдай кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбек театр санъатини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшган Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Тамарахоним каби атоқли кишилар тўла маъноси билан санъатнинг чинакам фидойиларидир. Булар санъат йўлида ҳалол хизмат қилган ҳурматли кишилар, улар ўзларининг бутун ҳаётини, бутун кучқудратини халққа хизмат қилишга бағишладилар ва бағишламоқдалар. Шу ўринда бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Буюк санъаткор Обид Жалилов кўп ролларни ўта маҳорат билан ўйнар эди. Айниқса унинг «Бой ила хизматчи»даги Солиҳбой, «Навоий» спектаклидаги Мажидиддин роли барча томошабинларга манзур бўлган. «Навоий» ўйналадиган куни Обид аканинг хонадонида бахтсиз ҳодиса юз берди. Унинг севимли қизи ҳаётдан безакт кўз юмди. Марҳума дафн этилмасдан туриб, Обид ака кечқурун Мажидиддин ролини ўйнагани театрга келди. Уйда марсия айтилаётган бир пайтда Обид ака ҳамкасбларини, томошабинларни кутгирмасдан саҳнага чиқиб борди. Биз ўшанда буюк санъаткоримизнинг самимий садоқатига, матонатига ҳайрат ва бошқа қатор яратган образларимизнинг биринчи ижроси куни фаолиятимизнинг янги боблари ҳисобланади. Ўша куни ўзимни дунёга янгидан келгандек ҳис қиламан.

Айтгандек, 1952 йил эди. Австриянинг пойтахти Венада жаҳон тинчлик тарафдорларининг конгрессига делегат бўлиб бордим. Ер қуррасининг 93 мамлакатидан борган вакиллар билан учрашдим. Ўшанда Раймонда Диен деган хорижий аёл билан суҳбатлашган онларим хамон кўз олдимда. У ўта жасоратли, тинчликнинг буюк тарафдори, қўрқмас, матонатли, жасур аёл киши эди. Аёл жасоратининг таърифи бундай. Америка империалистларининг Кореяга юбораётган ўқдори ва қурол-яроғ ортилган поездини тўхтатиш, унинг қора ниятини чиппакка чиқариш мақсадида, бу аёл ўзининг бутун гавдасини юриб кетаётган поезд остига ташлаб, уни тўхтатган. Бу аёлнинг жасорати ўша йилларда бутун дунёда достон бўлган эди. Мен у ерда Жолио Кюри, Пабло Неруда, Изабелла Блюм, Густа Фучикова, Эжени Коттон ва шунга ўхшаш қатор ватанпарвар ва тинчликни ҳимоя қилиш учун садоқатли курашчилар билан суҳбатлашиб, беҳад қувонганман. Энг қувончли дамларимдан кейингиси ўғлим Темурнинг набираси — менинг эварам Комилжоннинг дунёга келган кунидир. Комилжон ҳозир олти ёшда.

4. Жонажон Коммунистик партияга меҳр қўйганлигим, уни севганлигим учун ҳам коммунист бўла олдим. Партияга эътиқод қўйганлигим, ўз халқимга бўлган муҳаббатим туфайли ҳам яшаш, ҳам меҳнат қилиш ва эл-юртга танилиш шарафига муяссар бўлдим.

Эътиқодли одам ҳамиша матонатли, довюрак, ҳеч нарсадан иккиланмайдиган, ҳаётда шахдам одим ташлайдиган инсон бўлади. Бир мисол келтирмоқчиман. Санъатимизнинг буюк дарғаларидан бири Аброр Ҳидоятов ҳаётида шундай воқеа юз берди. 1935 йил. «Гамлет» спектакли қизғин ўйналаётган пайтлар. Саҳна асарини кўриш учун шаҳар, унинг атрофидаги районлар, ҳатто областлардан талабномалар устма-уст ёғилган эди. Шунинг учун ҳам театр дирекцияси томошабинлар кенг даврасининг талабларини бажо келтириш мақсадида «Гамлет»ни сурункасига 21 кун мобайнида кўрсатишга мажбур бўлди. Бу пайтда бахтга қарши Аброр аканинг асаблари анча ишдан чиқиб, касалга чалиниб қолди. Врачлар унинг саҳнага чиқишига ижозат бермаслигига қарамасдан, Аброр ака томошабинларнинг ихлосига бўлган муҳаббати туфайли Гамлетни ижро этишни тўла давом эттирди. Бу буюк санъаткорнинг ўз касбига содиқлигининг, эътиқодининг бир намунасидир.

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим жиҳатлар тўғрилик, саҳийлик, интизомлилик, ёлғон гапирмасликдан иборат.

Фарзанд тарбиялаётганда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Чунки болаларнинг ақл-идроки, кўнгли гулдек нозик бўлади. Ўз фарзандингга кўпроқ китоб ўқиб берадиган, эртак айтиб берадиган қизикларни жуда ҳам ёқтираман.

Мен Аброр Ҳидоятов билан кечқурунлари театрда спектакль ўйнаётганимизда уйда қолган Гого, Темур Ҳидоятов ухламасдан бизни пойлаб ўтиришар эди. Ишдан чарчаб келишимизга қарамасдан унга турли ҳайвонлар жанги жадаллаб хаяжон тақдирини ўқиб берар эди. Айниқса Гого болалигидаёқ ана шу эртакдан ўзидан катта бўлиб бошлаган чет эллардаги мамлакатларнинг ўзаро тақдирдаги зиддиятларга, кураш-ларга қизика бошлади. Кейинчалик эса китоб ўқишдан тарих фанига қизиқиб кетди. Мана ҳозир у В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети тарих факультетининг декани, фан доктори, профессор. Темур эса рассомлик билан шуғулланади. Ҳозирда у архитектура кандидати бўлди.

6. Санъаткор бўлишимга қарамай, кўпинча бўш вақтларимни спектакллар кўриш, телевизион кўрсатувларни кузатиш, касбимга, санъатга доир китобларни мутолаа қилиш, эскалик дафтарларини қайта кўздан кечириш билан ўтказаман. Аёл киши бўлганингдан кейин уйингда ўзингга яраша иш топилади. Хонаси билан фарзандларим, набираларим ва эварам билан ширин суҳбатлар қураман. Менинг боришимга атайлаб Комилжоннинг чизган расмларини кўриб завқланаман.

Анкета саволларига жавобларни

А. ПЎЛАТОВ
ёзиб олди.

Шоҳона иккинчи уйлиниз

ҚЎЛИНГИЗ ГУЛ, ҚАЛБИНГИЗ ГУЛ

У ҳар сафар автобусдан тушиб асфальт йўлка бўйлаб борар экан, мана шу машинага келганда бутун вужудини қандайдир бир ҳис чулғаб олганини сезади, ҳаёли чувалашиб, кўз олдидан мана шу заводга келган, илк марта қадам қўйган куни лип этиб ўтади. Ўтади-ю, лабида табассум жилва қилиб, чеҳрасида ғурурланиш ифодаси сезилади. Ҳа, шу ерда ишлаётганига мана йигирма беш йилдан ошибди-я. Йигирма беш йил... бу ҳазилакам гап эмас. Бир йитгинг тўлишган ёши. Шунча вақт ичида у нималарни кўрмади, қанчадан-қанча ташвишлару қувончларни бошидан кечирмади.

Инсон умри шундай экан. У шундай яшаши керакки, пролетар ёзувчиси Николай Островский таърифлаб айтганидай, кейинчалик ўтган умрига ачиниб юрмасин, ундан одамларга яхши хотира қолсин. Ахмад ака Мирзабоев ҳам ана шундай қалби эзгуликларга тўла инсонлар билан яшаб, бир корхонада умрини ўтказиб келаётган кишилардандир

Ахмад ака Тошкент чинни заводига ишга келганида ўттиз ёшлардан ошиб қолганди. Янги иш, янги дарғоҳ табиийки, коллектив ҳам нотаниш, тамоман янги. Унга киришиб кетиш, ҳурмат-эътибор қозониш учун кишидан кўп нарса, аввалambор, ўзи танлаган ишга, вазифага кўнгил қўя билиш талаб этилади. Касб-кор танладингми, унга меҳр қўй— устозлари ҳам унга шундай насиҳат қилишарди. Киши билмаганини билгандан ўрганади. Ахмад ака ҳам корхонада рассом бўлиб ишларкан, топширилган вазифаларни бекаму кўст бажаришга, чинни идишлар сиртига солинадиган безакларнинг янги-янги нусхаларини ўйлаб топишга ҳаракат қиларди. Унинг ижодкорлиги, интилувчанлиги турфайли чинни буюмларнинг бадиий безаги хилма-хилланди, аҳоли эътиборини жалб этадиган, талаб-эҳтиёжларини оширишда алоҳида роль ўйнайдиган бўлди. Натижада «Гулнора», «Атлас табассум», «Ойгул» сингари қатор безак нусхаларн яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этила бошланди.

Инсон қадрини меҳнат оширади, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам меҳнатсеварлиги, коллективга меҳрибонлиги, ёшларга ўз касб сирларини эринмай ўргата билиши билан кўпчиликнинг меҳрини қозонган Аҳмад аканинг номини чиннисозлар алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Аҳмад ака жонкуяр мураббийнинг эмас, ҳар бир шогирдидан сифатли ишлашни, ўзи тайёрлаётган маҳсулотнинг харидорга манзур бўлиши учун бутун меҳри, зеҳнини сарф этиши лозимлигини уқтирарди, шуни талаб қиларди.

— Бизга устозларимиз шундай ишлашни ўргатишарди,— дейди заводнинг бадиий безаш цехи рассоми А. Мирзабоевнинг ўзи суҳбат пайтида.— Ҳалол меҳнат, пешона тери билан топилган обрў тотимли бўлади.

Корхонага оддий рассом бўлиб ишга келган, эндиликда етакчи рассомлардан бири бўлиб қолган Аҳмад ака қўл остида ўнларча йигит-қизлар таълим олишган. Неча-неча шогирдлари эндиликда мустақил иш олиб, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун жонбозлик билан меҳнат қилишмоқда.. Рихсивой Ёқубов, Зуҳра Носирова, Мастура Ганиева, Шоира Тўлаганова сингари гул чизувчи, ўз ишига пишиқ-пухта ёшлар устоз ўгитлари асосида меҳнат қилиб социалистик мусобақаларда актив қатнашмоқда.

Сочлари оқарган, ўрта бўйли, тўладан келган, оддийгина кийиниб юрадиган, камгап, камсуқум, ёши олтмишларга бориб қолган Аҳмад акани эндиликда ҳамма яхши билади, танийди. Ҳар кимнинг обрўси килган меҳнати билан ўлчанади дейишганидай, Аҳмад ака ҳам кўп йиллик ҳалол меҳнатлари учун бир неча марта социалистик мусобақа ғолиби деб топилган, завод маъмуриятининг муносиб мукофотларига сазовор бўлган.

Аҳмад ака рассомгина эмас, у чинни заводи ёшларининг севимли мураббийси ҳам, дедик, айни пайтда меҳрибон падар, ажойиб оила раҳбари ҳамдир. Унинг икки қиз, икки ўғли бор. Ўғли Бахтиёр ота касбини эгаллаган. У Тошкент кўн-мўйна заводида рассом бўлиб ишлайди. Рустам эса учувчи. Ойдинхон Мирзабоева «Ташгорплан» институтида лойиҳаловчи бўлса, Нурия савдо ходимасидир. Бир-биридан меҳнаткаш, оқил фарзандлар оталари билан ғоят фахрланишади.

Бир корхонада шундай обрў-эътибор билан ишлаш, қадр топиш аввало кишининг ўзига боғлиқ. Буни Аҳмад ака тимсолида кўрдик. Бир ерда қўкарган, илдиз отиб мева тутган дарахтнинг мевасидан ҳамма баҳраманд бўлади. Зотан бу меванинг тотими ширин бўлади. Аҳмад Мирзабоев ҳам ёшларга шундай насиҳат қилиб, ҳалол ва меҳнатсевар бўлишга чорлайди.

Н. АЛИМОВ.

ДОВРУҒ КЕТИДАН ҚУВМА!

(РИВОЯТ)

Тоғ бағрида Зағизғон ҳаккалаб юрган эди, қояда осмонга маҳлиё тикилиб қолган Архарни кўрди.

— Э Архар, —деди Зағизғон, — нега осмонга тикиляпсан?

— Кўрмаяпсанми,— деди Архар, — осмону фалакда Лочин учаяпти.

Зағизғоннинг Лочинга ҳасади келди-ю, қаттиқ парвоз қилиб ундан ҳам юқорига кўтарилиб кетди, сўнг пастга тушиб Архарга мақтанди:

— Кўрдингми, мен Лочиндан ҳам баланд учдим!

— Фойдаси йўқ! — деди Архар Зағизғонга.— Сен ҳар қанча баланд учсанг ҳам, Лочиндек салобатли бўлолмайсан.

ҚИССАДАН ҲИССА: бировнинг довруғидек довруғ оламан деб чиранма, ҳасад қилма, қўлингдан келмайдиган ишга беҳуда уринма.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



«УМРИ ЧИНОР ОТАХОН».

Одамлар даврасида

ЯХШИЛИК—БАХТ ҚАНОТИ

ОҚТЕПАЛИК ҳамкурс дўстим Ҳамидхон кўчада учратиб қолиб, мени қўярда-қўймай уйига бошлаб кетди.

— Анчадан бери кўришмагандик. Бир ҳангомалашайлик, — деди у йўл-йўлакай.

Бордим. Отаси ҳам уйда экан. Уни яхши билардим. Қишлоғимизда урушгача фельдшер бўлган, фронтдан қайтгач яна ўша илгариги жойида хизматини давом эттирган. Мана энди пенсияга чиққан бўлса-да, ҳамон меҳнат қилишни қўймабди. У биз билан суҳбатлашиб ўтирган ҳам эдики, кимдир чақирди шекилли, уйга сўраб шошилинч чиқиб кетди.

— Тоғ-тоғ билан уч учрашмаса ҳам, лекин одам-одам билан учрашади, деган гап рост экан, — деди Ҳамиджон. — Ҳаёт асли шунақа тузилган. Бизнинг иккимизнинг ёрдамимизга, мададимизга, жуда бўлмаса бир оғиз сўзимизга муҳтож бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Ҳозир отамнинг ишидан жуда таъсирланиб кетдим. Шунинг учун, агар эзмаликка йўймасанг, бир воқеани айтиб берай.

— Уруштан кейинги дастлабки йиллар эди, — ҳикоясини бошлади дўстим. — Бир куни онам пайпоқ ямаб ўтириб, отамга маслаҳат солди:

— Энди Рустамжон катта бўлиб қолди. Суннат тўйини қилсак бўларди (у укамни назарда тутарди).

Бу гап отамнинг кўнглида ҳам кўпдан бери бор эди. Бироқ тўйнинг ўзи бўладими?! Шунинг учун бир оз пул йиғайлик деб юрарди. Ҳозир ҳам у одати бўйича кўзларини юмиб, ёстиққа ёнбошлаганича афтидан тўй ҳақида ўйларди.

— Отаси, — деди онам баландроқ овозда игнани пайпоққа қадаб, — бундоқ одамларга ўхшаб, кўзингизни очиб ўтирсангиз-чи! Ахир халқ нима дейди? Бир амаллаб ўтказинг-да!

Отам туриб ўтирди. Чуқур уф тортди. Бошини сарак-сарак қилиб, салмоқлади:

— Э хотин, тўй-тўй дейсан, нима, йиғиб қўйган пулинг борми? Бўлса чиқар. Артистларни ўйлаб топишга ҳасада келди-ю, қаттиқ парвоз қилиб ундан ҳам юқорига кўтарилиб кетди, сўнг пастга тушиб Архарга мақтанди:

— Кўрдингми, мен Лочиндан ҳам баланд учдим!

— Фойдаси йўқ! — деди Архар Зағизғонга.— Сен ҳар қанча баланд учсанг ҳам, Лочиндек салобатли бўлолмайсан.

ҚИССАДАН ҲИССА: бировнинг довруғидек довруғ оламан деб чиранма, ҳасад қилма, қўлингдан келмайдиган ишга беҳуда уринма.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

«УМРИ ЧИНОР ОТАХОН».

Чунки отамнинг оёғидан бошигача разм солиб солдатча гимнастёрка, оёғида кирза этик.

— Тўйга айтгани келдик, — деди отам тортиниб. — Хизматли томони ҳам бор. Таниш-билиш кўпайиб кетдим. Пиғлаб юборай дедим. Билмайман, бу балки мусиқадек мусаффо санъатни муаллимимиз (муаллимимиз дегим келмайди) пулга баҳолаётганлигидан д и р. Улар ниҳоят келишиб чалинди:

— Ахир бундан ортиқ нима қилишим керак эди! Закаладини берибоқ келган бўлсам. Бораман деб ишонтирганидан мени.

Ўша куни у келмади. Тўйни хаваскорлардан бири ўтказиб берди. Тўй эртасига отам отарчи сабаб бўлиб, боши қаттиқ оғриб касалхонага ётди. Хабар олиш учун гоҳ мен, гоҳ онам қатнардик. Жуда қийналиб кетдик. Қозонимиз сувга тушган вақтлар ҳам бўлди. Бир куни мактабдан уйга қайтсам онам ўтин ёрлаяпти, кичик укам ундан сўрарди.

— Ойи, нима ош қиламиз?

Онам негадир баланд овозда:

— Палов, ўғлим, палов, — деди.

Кейин ўтинни яна қаттиқроқ тақиллата бошлади. Бир айланиб келсам, онам укалаётган олдида кўз ёшини этагига артиб ўтирибди. Билсам, у овқат қилинмаганини қўшнилар билмай қўя қолсин, деб укамнинг саволига баланд овозда жавоб берган, ўтинни қаттиқ тақиллатиб ёрган экан.

Бир ярим ойлардан сўнг отам касалхонадан чиқди. Бироқ у кўзимга жуда қариб кетгандай кўринди. Тўй куни асабийлашгани унга ёмон таъсир қилганди.

Мактабни битирганимдан кейин эшитсам, кейинчалик «артист»ни мактабдан бўшатиб юборишибди. Бир тўйда ичиб «учиб» қолиб, ҳамтовоқлари билан пул талашиб пичоқлашган экан...

...Дўстим шуларни ҳикоя қилиб турган ҳам эдики, эшикдан отаси кириб келди.

— Бечоранинг яна мазаси қочиб қолибди. Хотини минг ҳикоялат билан мени чақириб кетди. Майли, одамдан яхшилик қолади-да.

Мен Ҳамиджоннинг ҳикояси билан отаси гапи ўртасидаги боғлиқликни сездим:

— Нима, ўшанда сизларнинг тўйга келаётган артистми, у касалми? —сўрадим.

— Тоғдинг. Тақдир тақозоси билан у ҳам маҳалламизга кўчиб келган. Бот-бот тоби қочиб туради. Отам олий маълумотли бўлмасалар ҳам тажрибали кўп. Шуни эшитган шекилли, биринчи борганларидаёқ таниёда-ю, дарди оғирлигига қарамай узоқ кечирим сўрабди. Кўзига ёш олибди.


— Э, қизиқ экансиз. Ҳамиджон, — деди дўстимнинг отаси бу сўзлардан ҳижолат чекиб. — Одам биридан ўтганини бири кечириб, яхшилик уруғини экиб кетаверирди керак. Чунки дунёнинг ишлари шунақа: ҳаёт уларни яна албатта учраштиради.

А. ХАТАМОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.


3 Тошкент бет оқшоми

26 НОЯБРЬ, 1981 й.



ТОШКЕНТ СЕРВИС ФИРМАСИ



















АГАР СИЗ «ТОШКЕНТ СЕРВИС» ФИРМАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ, КЎПГИНА КАТТА ВА ҚИЧИҚ ЮМУШЛАРИНГИЗ ТЕЗДА БАЖАРИЛАДИ.

СПРАВКАЛАР ХИЗМАТИ СИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТЕЗДА БИЛИБ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ:

сизни қизиқтирган кишилар, корхона, муассасаларнинг адреслари;

самолётлар, поездлар ва шаҳар транспортининг ҳаракат жадвали;

Тошкент шаҳри ва Тошкент областида яшовчи граждапларнинг адреслари ва телефонлари;

шаҳар театрлари ва кинотеатрларининг иш соатлари ва репертуарлари;

сиз пойтахтдаги диққатга сазовор қайси жойлар ва музейларни томоша қилмоқчисиз.

Шаҳарнинг ҳамма районларидаги меҳмонхоналар қошида жойлашган ШАҲАР СПРАВКАЛАР КИОСКАЛАРИ ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.


НАВБАТЧИ КИОСКАЛАР «Сервис» Марказий уйида (Навоий кўчаси, 30«а»-уй) ва аэропортда жойлашган. Иш соатлари 9.00 дан 20.00 гача.

Рекламалар бюроси эълонлар чиқаришда ёрдам беради.

Тошкент шаҳрида ва мамлакатнинг исталган шаҳарлари билан уй-жой алмашинуви тўғрисида; уй, мебеллар сотиш тўғрисида.

Рекламалар бюроси қуйидаги адресга жойлашган: Пролетар кўчаси, 4-уй. Ҳар куни ишлайди. Телефон 33-51-33.

Чилонзор ва Акмал Икромов районларининг аҳолисига қулай бўлсин учун ЯНГИ РЕКЛАМАЛАР БЮРОСИ ОЧИЛДИ (Чилонзор массиви, 22-квартал, Жамоатчилик савдо маркази). Ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш кунлари — якшанба, душанба.



ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАР ҚИРҚИМИ БЎЛИМИДА СИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАНЛАБ БЕРИШАДИ:

қурилиш, энергетика, транспорт, савдо, адабиёт, санъат масалалари бўйича зарур материалларни,

Хизматнинг бу тури учун корхона раҳбарлари ва шахсий кишилар билан шартнома тузилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 75-уй. Телефон: 56-55-75.

Шаҳарнинг ҳамма районларида нотариаль идоралари бор.

Бу ерда Сизга (ёзув машинкасида) ҳар қандай ҳужжатлардан: диплом, аттестат, шартнома ва бошқа ҳужжатлардан нусха кўчириб беришади.

Район милиция бўлинмаларининг паспорт столлари қошида хизмат столи ишлаб турибди. Сизга бу ерда паспорт алмашиш, прописқага ўтиш, пропискадан ўчиш ва бошқа бланкаларни тўғри тўлғазиб беришади.

ГАИ участкалари қошида хизмат столлари очилган.

Бу ерда Сизга техника кўригидан ўтиш, автотранспортни рўйхатга олиш ва рўйхатдан ўчириш тўғрисидаги бланкаларни тўлғазиб беришади.

Муқовалаш устахонасида эскирган китоблар, журнал ва улардан қирқиб олинган варақларни қайтадан муқовалаб беришади.

Бундай хизмат айрим кишиларга ва давлат муассасаларининг кутубхоналарига кўрсатилади.

Устахона адреси: 1-квартал, Лисунов кўчаси, 9-уй (29-трамвай, 30-автобуснинг «Ётоқхона» бекати).

ЧЕГАЛАШ УСТАХОНАЛАРИ

Агар чинни ёки фаянс идишларингиз синиб, яроқсиз ҳолга келиб қолса, уларни ташлаб юборишга ошиқманг — махсус устахоналарда синиқ асбобларни чегалаш мумкин.

Олой, Бешогоч ва Октябрь бозорларида чегалаш устахоналари бор.

ТИКУВ УСТАХОНАЛАРИ

аҳолидан (фирма ва буюртмачи матоларидан) буюртма тайёрлаш учун қабул қилади:

ҳамма маркадаги автомобиллар учун ғилофлар; парда, дарпардалар.

УСТАХОНАЛАР АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Каблуков кўчаси, 17-уй;

Халқлар Дўстлиги проспекти, 2«а»-уй (метронинг «Ҳамза» станцияси). Телефон: 77-84-10.

Ж. Обидова кўчаси, 141-уй (2, 16-трамвай; 19-автобуснинг «Узбексельмаш» заводи бекати).

Устахоналар 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР БЮРОСИДАН

Еш келин-куёвлар тўйларда кийиладиган кўйлак, костюм, тўрларни прокатга олишлари мумкин.

Бюро Сервис» марказий уйида жойлашган.

Сиз дўстларингизни, ҳамкасбларингизни байрам ёки юбилей билан табрикламоқчисиз, лекин уни шахсан амалга ошириш имкониятига эга бўлмасангиз.

«Тошкент сервис» фирмаси Сизга ёрдамга келади.

«Сервис» Марказий уйининг ходимлари белгиланган кун ва соатда кўрсатилган адресга гул, торт, шампань виноси, конфетларни келтириб тақдим этади.

УЙ ТЎЙИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЮРОСИ:

фирманинг малакали ходимлари Сизга:

эшикка ғилоф қоплаш, қулф-калит ўрнатиш каби кўпгина ишларни бажаришда ёрдам кўрсатишади.

Буюртмалар «Сервис» Марказий уйида ёки 44-28-01, 44-63-15, 44-65-04, 44-61-45 телефонлари орқали қабул қилинади.

Агар Сиз квартирангизни йиғиштиришни истасангиз, ана шу телефонларга қўнғироқ қилсангиз, фирма ходимлари айтган пайтингизда ҳузурингизда ҳозиру-нозир бўладилар.

Агар аниқ вазнингизни билишни истасангиз, шаҳримиз парклари ва хиёбонларида ўрнатилган медицина тарозуларидан фойдаланинг;

Агар Сиз массаж курсини қабул қилмоқчи бўлсангиз, —

«Сервис» марказий уйи қошида (Навоий кўчаси, 30«а»-уй) яқинда очилган махсус массаж хонасига мурожаат қилинг. Иш соатлари — 9.00 дан 14.30 ва 16.00 дан 20.00 гача. Дам олиш кунлари — якшанба, душанба.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

Авиасозлар шаҳарчасидаги жамоатчилик савдо маркази қошидаги КОМПЛЕКС ҚАБУЛ ПУНКТИ (Лисунов кўчаси, 4-квартал—48, 72, 80-автобуснинг «Савдо маркази» бекати)

ХИЗМАТНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

— химиявий тозалаш ва ювиш;

— якка буюртмада пойафзал тикиш ва ремонт қилиш;

— устки кийим тикиш;

— турли фасонда трикотаж буюмлар (кофта, жемпер, пуловер) тайёрлаш;

— металлдан (қориштирувчи, пойафзал пештахтаси, ошхона столлари) буюмлар тайёрлаш;

— телевизорлар, радиоприёмниклар, кир ювиш машиналари, чанг ютгич ва бошқа буюмларни ремонт қилиш.

Савдо маркази қошида сартарошхона ва прокат пункти ишлаб турибди.



КОМПЛЕКС ҚАБУЛ ПУНКТИ

шунингдек, «Сервис» Марказий уйи қошида ҳам ишлаб турибди.

БУ ЕРДА ХИЗМАТНИНГ ҚУЙИДАГИ БУЮРТМАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— химиявий тозалаш ва ювиш;

— трикотаждан буюмлар тикиш (жакетлар, жемперлар, пуловерлар);

— телевизорлар, радиоприёмниклар ва мураккаб рўзғор техникалари — чанг ютгич ва кир ювиш машиналари);

— мебель ва гилам тозалаш;

— музика асбобларини созлаш;

— фотохизмати;

— пол тозалаш ишлари.

«ПОДЪЕМНИК» ЗАВОДИ ҚОШИДА

(Полторацкий кўчаси, 4-уй)

УШБУ ХИЗМАТ ТУРЛАРИГА БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ПУНКТ ОЧИЛГАН.

Фрунзе районининг «Аския» бозорида, шунингдек «Узбексельмаш» заводининг ётоқхонаси («Бодомзор» бекати) қошида ҳам

ЯНГИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ ОЧИЛАДИ.

Ҳурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

«ТОШКЕНТ СЕРВИС» ФИРМАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!


«СЕРВИС» марказий уйи Навоий кўчаси, 30«а»-уйда жойлашган.


Иш соатлари — 10.00 дан 19.00 гача, тушликсиз ва дам олиш кунисиз. Телефонлар: 44-28-01, 44-61-45, 44-63-15, 44-65-04.











«ТОШКЕНТ СЕРВИС» ФИРМАСИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон агентлиги.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарвардин ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; вашриёт диспетчери 32-78-94; вашриёт телефов станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

26 НОЯБРЬ, 1981 й. Р— 07432 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети машриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.